

## "ENGLISH SPEAKING CLUB"

Бугунги кундаги тил ўрганишга бўлган долзарб вазиятни ҳисобга олган ҳолда ёшларни тилларни ўрганишга бўлган иштиёқларини рағбатлантириш, етук ходимларни шакллантириш ҳамда уларнинг вақтларини самарали қамраб олиш ниятида ҳафтанинг ҳар жума куни соат 13:30 да Сув хўжалигини ташкил этишва бошқариш факультети Инглиз тили кафедраси ташаббуси билан ташкил этилган "ENGLISH SPEAKING ZONE" номли тўгарак қўшимча дарси ташкил этилган. Унда тажрибали, ўз касбини сидқидилдан бажарувчи мутахассис ўқитувчилар, жумладан, Абдивайтова Севара, Зиёдуллаева Моҳидил, Эргашева Сарвиноз, Юлдашева Наргиза, Сативалдиева Санобар, Комолова Кумуш дарс беришмоқда.



Талабалар ўзлари учун зарур бўлган қўшимча билимларни ўзлаштириб, улкан қизиқиш билан дарсларга қатнашишмоқда. Талабаларда тилни мукаммал билиш, мустақил фикр ва кенг дунёқарашни шакллантириш уларнинг ҳаёт йўлларида мустаҳкам замин бўлади.



**"Инглиз тили" кафедраси ўқитувчиси Абдивайтова С.Б.ахбороти**

**ТИҚҲММИ матбуот хизмати**